IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2021 йил январь - март ойларида вилоятнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 929,2 млрд. сўм (доллар эквивалентида 88,4 млн. АҚШ долл.) миқдорида асосий капиталга инвестициялар киритилиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 % ни, шундан хорижий инвестициялар 343,3 млрд. сўмни (жамига нисбатан улуши 36,9 %) ташкил этди.



2021 йилнинг январь–март ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўпи, яъни 51,4 % вилоятнинг 4 та тумани ҳиссасига, жумладан Урганч шаҳри 22,5 %, Янгиариқ тумани 10,2 %, Хонқа тумани 10,1 % ва Боғот тумани 8,5 % тўғри келади.

Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ҳазорасп тумани 264,4 %, Хива шаҳри 183,3 %, Гурлан тумани 175,9 %, Қўшкўпир тумани 169,4 % ва Хонқа тумани 147,4 % ўсиш кузатилди.

Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар



Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар (% да)



2021 йилнинг январь–март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга киритилган инвестициялар хажми бўйича юқори кўрсаткичлар Урганч шаҳри 1440,4 минг сўм (61,3 %), Янгиариқ тумани 811,7 минг сўм (261,3 %) ва Тупроққалъа тумани 640,3 минг сўм қайд қилинди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар
(2021 йил январь - март ойларида)

	млрд. сўм	*ўсиш суръати, %*	*якунга нисбатан %*
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	**929,2**	**102,0**	**100,0**
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	**68,3**	**40,2**	**7,3**
бюджет маблағлари	15,2	58,4	1,6
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	15,1	-	1,6
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	33,6	-	3,6
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	4,4	3,1	0,5
Марказлашмаган инвестициялар:	**860,9**	**116,5**	**92,7**
корхоналарнинг ўз маблағлари	167,3	59,7	18,0
аҳоли маблағлари	241,3	102,2	26,0
хорижий инвестиция ва кредитлар	338,8	158,7	36,5
шундан:			
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	74,9	197,1	8,1
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	113,5	74,5	12,2

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

(2021 йил январь-март)

	жами	*Давлат*	*Нодавлат*
Жами, ***млрд. сўм***	**929,2**	**56,9**	**872,3**
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	68,1	73,8	67,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	25,8	21,4	26,1
Бошқа ҳаражатлар	6,1	4,9	6,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 68,1 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга ҳаражатлар 25,8 % ни ҳамда бошқа ҳаражатлар улуши 6,1 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари



Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари 2021 йил январь-март ойларида мос равишда 7,3 % ва 92,7 % ни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичларнинг улушлари ўтган йилнинг шу даврида 19,0 % ва 81,0 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари (улуши % да)

2020 йилнинг шу даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестициялар улуши 15,6 % пунктга камайган, мос равишда Республика бюджети маблағларининг улуши 1,3 % ли пунктга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари (улуши, *% да)*

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

	Жами инвестициялар млрд. сўм	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (млрд. сўм)					
		Республика бюджети	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси и	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
Хоразм вилояти	**929,2**	**15,1**	**15,1**	**408,6**	**113,5**	**343,3**	**33,6**
Шаҳар ва туманлар:							
Урганч ш.	209,0	5,1	1,4	105,5	26,1	37,3	33,6
Хива ш.	57,7	1,2	0,0	25,1	4,3	27,1	-
Боғот	78,9	0,2	0,0	26,2	18,0	34,5	-
Гурлан	55,4	1,6	1,4	19,1	4,4	29,0	-
Қўшкўпир	55,9	0,0	0,0	22,9	3,2	29,8	-
Урганч	56,6	0,0	0,0	27,3	7,5	21,8	-
Ҳазорасп	54,9	0,0	2,7	25,0	2,0	25,2	-
Тупроққалъа	35,7	4,1	4,0	10,3	3,6	13,7	-
Хонқа	94,3	0,0	0,0	41,5	25,4	27,4	-
Хива	29,6	2,9	1,3	14,1	4,4	6,8	-
Шовот	55,7	0,0	0,9	23,6	4,3	26,8	-
Янгиариқ	95,2	0,0	3,4	46,5	3,5	41,8	-
Янгибозор	50,3	0,0	0,0	21,5	6,8	22,1	-

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2021 йилнинг январь–март ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми

	Млрд. сўм	*Жамига нисбатан % да*
Жами:	**929,2**	**100,0**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	299,6	32,2
Тоғ- кон саноати	-	-
Ишлаб чиқариш саноати	130,8	14,1
Электр энергияси, газ ва буғ кондицияланган хаво	60,5	6,5
Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш	16,4	1,8
Қурилиш	32,0	3,4
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоцикларни таъмирлаш	75,2	8,1
Ташиш ва сақлаш	44,2	5,1
Овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар	4,8	0,5
Ахборот ва алоқа	5,9	0,6
Молия ва суғурта фаолияти	3,2	0,3
Профессионал, илмий ва техник фаолият	4,2	0,5
Таълим	10,2	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	15,2	1,6
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	10,9	1,2
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	135,7	14,6
Бошқа фаолият турлари	490,7	8,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 69,0 % дан ортиғи қуйидаги иқтисодий фаолият турларига йўналтирилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (32,2 %), ишлаб чиқариш саноати (14,1 %), жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар (14,6 %) ва улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоцикларни таъмирлаш (8,1 %).

2021 йилнинг январь – март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар

2021 йилнинг январь–март ойларида 343,3 млрд. сўм (доллар эквивалентида 32,7 млн. АҚШ долл.) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 158,7 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Янгиариқ туманида (12,2 %), Урганч шаҳрида (10,9 %), Боғот туманида (10,1 %) кузатилди.

Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		*Хорижий инвестициялар, нисбатан % да*	
	жами	*шу жумладан, кредитлар*	*жамига*	*асосий капиталга инвестициялар*
Хоразм вилояти	**343,3**	**268,4**	**100**	**36,9**
шаҳар ва туманлар:				
Урганч ш.	37,3	6,8	10,9	17,8
Хива ш.	27,1	27,1	7,9	46,9
Боғот	34,5	34,5	10,1	43,8
Гурлан	29,0	29,0	8,4	52,3
Қўшкўпир	29,8	28,6	8,7	53,2
Урганч	21,8	21,8	6,4	38,6
Ҳазорасп	25,2	0,0	7,3	45,9
Тупроққалъа	13,7	13,7	4,0	38,3
Хонқа	27,4	27,4	8,0	29,0
Хива	6,8	6,8	2,0	23,0
Шовот	26,8	26,8	7,8	48,2
Янгиариқ	41,8	41,8	12,2	43,9
Янгибозор	22,1	4,1	6,4	43,9

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 36,9 % ни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млрд. сўм)



Жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларни 1,3 %, яъни 4,4 млрд. сўм (0,4 млн. АҚШ долл.) Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар, 98,7 фоизи хорижий инвестициялар 338,9 млрд. сўм (32,3 млн. АҚШ долл.), шундан тўғридан-тўғри инвестициялар 74,9 млрд. сўм (7,1 млн. АҚШ долл.)ни ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2021 йил январь-март ойларида умумий майдони 126,4 минг кв.м. бўлган 495 та (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 114,4 %) шу жумладан қишлоқ жойларида 83,2 минг кв.м. (109,4 %) уй-жой фойдаланишга топширилди. Турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 135,3 млрд. сўмни ёки жами инвестициялардаги улуши 14,6 % ни ташкил қилди.

2021 йил январь – март ойларида ишга туширилган турар жойлар

	Барча молиялаштириш ҳисобидан:			
	Ишга туширилди		*Улардан якка тартибдаги турар жойлар*	
	минг кв.метр	*2020 йил мос даврига нисбатан % да*	*минг кв.метр*	*2020 йил мос даврига нисбатан % да*
Хоразм вилояти	**126,4**	**114,4**	**121,3**	**112,8**
шаҳар ва туманлар:				
Урганч ш.	26,0	128,7	20,9	103,5
Хива ш.	2,8	818,0	2,8	818,0
Боғот	10,4	117,7	10,4	117,7
Гурлан	5,3	139,8	5,3	139,8
Қўшкўпир	10,3	116,9	10,3	116,9
Урганч	11,2	116,8	11,2	116,8
Ҳазорасп	12,3	113,6	12,3	113,6
Тупроққалъа	3,4	0,0	3,4	0,0
Хонқа	13,1	114,5	13,1	114,5
Хива	4,9	115,7	4,9	115,7
Шовот	8,7	122,2	8,7	122,2
Янгиариқ	8,2	61,6	8,2	61,6
Янгибозор	10,0	108,8	10,0	108,8

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	Барча молиялаштириш ҳисобидан:			
	Ишга туширилди		*2020 йилнинг мос даврига нисбатан % да*	
	жами	*шу жумладан қишлоқ жойларди*	*жами*	*шу жумладан қишлоқ жойларди*
Турар жойлар умумий майдони, минг кв.метр	**126,9**	**83,2**	**114,4**	**109,4**
улардан:				
якка тартибдаги турар жойлар	121,3	83,2	112,8	110,4
Намунавий лойиҳалар асосида қурилган якка тартибдаги турар жойлар	5,1	-	-	-
Поликлиникалар (ҚВПларни қўшган ҳолда), қатнов	-	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	-	-	-	-
Сув тармоғи, км	-	-	-	-
Газ тармоғи, км	-	-	-	-

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 2021 йилнинг январь-март ойларида инвестиция ўзлаштирилмади.

Газ тармоқлари қурилишига 2021 йилнинг январь-март ойларида инвестиция ўзлаштирилмади.

Қурилиш ишлари

2021 йил январь-март ойларида 653,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,2 % ни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати

Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги шаҳар ва туманларда: Тупроққалъа тумани 133,8 %, Хива тумани 129,4 % ва Ҳазорасп тумани 124,6 % ўсиш кузатилди.

Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми (минг сўмда)



Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь–март	
	2020 й.	*2021 й.*
Қурилиш ишлари, ***млрд. сўм***	559,7	653,0
шу жумладан:		
давлат	30,0	39,8
нодавлат	529,7	613,2

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 613,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,9 % ни (2020 йил январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 100,3 %) ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари мулкчилик шакллари бўйича

	Жами, млрд. сўм	*шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да*	
		давлат	*нодавлат*
Хоразм вилояти	**653,0**	**6,1**	**93,9**
Урганч ш.	163,2	7,4	93,1
Хива ш.	51,3	4,6	95,1
туманлар:			
Боғот	39,4	4,2	89,3
Гурлан	29,8	3,4	88,6
Қўшкўпир	36,5	2,8	92,3
Урганч	62,4	1,5	97,6
Ҳазорасп	36,4	2,8	92,3
Тупроққалъа	19,7	0,0	100,0
Хонқа	39,4	1,7	95,7
Хива	64,2	0,0	100,0
Шовот	40,8	5,0	87,7
Янгиариқ	38,0	2,0	94,7
Янгибозор	31,9	2,6	91,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми (*млрд. сўм*)



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,5 % бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 22,1 % фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 5,4 % ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 71,3 % янги қурилиш ҳажмига тўғри келади.

Шаҳар ва туманлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми (*млрд. сўм*)

	Қурилиш ишлари, хизматлар жами	*шу жумладан иқтисодий фаолият турлари:*		
		Бино ва иншоотлар қурилиши	*Фуқаролик қурилиши объектлари*	*Ихтисос-лаштирил-ган қурилиш ишлари*
Хоразм вилояти	**653,0**	**473,3**	**144,6**	**35,1**
Урганч ш.	163,2	85,0	64,6	13,6
Хива ш.	51,3	37,1	13,1	1,1
туманлар:				
Боғот	39,4	29,4	7,2	2,8
Гурлан	29,8	23,0	4,2	2,6
Қўшкўпир	36,5	29,5	5,2	1,8
Урганч	62,4	44,2	14,9	3,3
Ҳазорасп	36,4	31,9	4,2	0,3
Тупроққалъа	19,7	15,9	3,5	0,3
Хонқа	39,4	33,6	3,3	2,5
Хива	64,2	52,1	10,8	1,3
Шовот	40,8	30,5	5,4	4,9
Янгиариқ	38,0	34,5	3,0	0,5
Янгибозор	31,9	26,6	5,2	0,1

Вилоятда бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий қисми бино ва иншоотлар қурилиши (473,3 млрд. сўм) га тўғри келиб, вилоят умумий ҳажмида 72,5 % ни ташкил қилди. Шу билан бирга, фуқаролик қурилиши (144,6 млрд. сўм) объектлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари вилоят умумий ҳажмининг 22,1 % ни ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш (35,1 млрд. сўм) ишлари 5,4 % ни ташкил этди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номолиявий активларга киритилган инвестициялар – бу реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга киритилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

Асосий капиталга киритилган инвестицияларга - барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

Чет эл инвестициялари – асосан келгусида фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали.

Инвесторлар – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқиги эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

Буюртмачилар – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса аралашмасликлари лозим.

Пудратчи – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.